



ҚАШҚАДАРЁ ШЕВАЛАРИДА ГИЛАМЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

¹Холтўраева Сарвиноз

Қарши давлат университети лингвистика йўналиши магистри,

²Жабборов Эшпўлат

Филология фанлари номзоди, доцент: илмий раҳбар.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i03-p1-12>

ARTICLE INFO

Received: 24th February 2023

Accepted: 03rd March 2023

Online: 04th March 2023

KEY WORDS

Гидамчилик, халқ шевалари,
жехи́зи, ой, бозори, ишти,
хара́м, яғлови, пат гидам,
патли гидам, тукли гидам.

ABSTRACT

Мақолада Қашқадарё халқ шеваларида қўлланилган
гидамчилик лекси́каси хусусида сўз юритилган.
Шунингдек, шевадаги сўзларнинг қўлланиш
манбалари, уларнинг тараққиёти масалалари ҳақида
фик юритилган.

Қашқадарё маданият меросларга бой ўлка. Воҳада кулолчилик, каштадўзлик, гидамчилик каби йўналишлар халқ ҳунармандчилигининг энг ноёб намуналари саналади. Айниқса, Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Миришкор ва Қарши гидамлари ноёб тарихи ва бетакрор аҳамиятини ҳамон йўқотмай келмоқда. Айрим манбаларда VI-VII асрларда Қаршида тўқилган гидамларнинг Хитой бозорларида ҳам сотилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти билан ном қозонган Қашқадарёда кулолчилик, каштачилик, гидамдўзликнинг бир неча тури, йўналиши ва услублари бор. Хусусан, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган Шаҳрисабз каштаси турфа нақшлар ишлатилиши билан ажралиб туради. Кўп асрлик анъаналарга эга гидамчилик ҳам ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Масалан, Миришкор туманининг Жейнов қишлоғида гидамнинг *жехи́зи, ой, бозори, ишти, хара́м* ва *яғлови* каби турлари тўқилади. Улар ўзининг мустаҳкам ва бежирим, турфа безакларга бойлиги билан эътиборга молик. Гидамчилик лексикаси тилимиз лексик таркибининг қадимий қатламларидан бўлиб, тил тараққиётининг барча босқичларини ўз бошидан кечирган. У умумхалқ тилининг махсус тармоғи сифатида давр тақозоси билан турли ўзгаришларга учраган. Айрим атамалар эскириб, ўрнига умумхалқ лексикаси негизида янгилари пайдо бўлган. Баъзи касб-ҳунар терминлари ўз доирасидан чиқиб, умумхалқ тили лексикасида қўллана бошлаган. Ҳатто бу типдаги терминлар кўчма маънога эга бўлиб халқ мақоллари, фразеологик иборалари таркибига сингиб кетган. Шунингдек, сўз-терминларнинг қўлланиш тарихига назар ташласак, бошқа тиллар, яъни қариндош ва қўшни тиллар билан муносабатда бўлгани, ҳам ички, ҳам ташқи факторлар таъсири натижасида уларнинг семантик тузилишларида турли ўзгаришлар юз бергани, хуллас, сўз-терминларнинг ўзларига хос лексик-семантик хусусиятларига эга



эканлиги сезилади. Фактларга мурожаат этамиз: Ўзбек адабий тилида ва айрим шеваларда “патли гилам” маъносида *гилам* термини қўлланилади. Гилам термини ўзбек адабий тилида лексик норма сифатида қабул қилинган:

Гилам аслида форс-тожикча - “палос” созидан олинган бўлиб бўлиб, ҳозирги тожик адабий тилида гилем шаклида қўлланади ва ўзбек адабий тилидаги маъносининг аксини билдиради. Гилам термини маънисига хилма-хиллик ўзбек тилининг икки тилли шевалари, шунингдек, қипчоқ гуруҳ шеваларида ҳам кўзга ташланади. Сўз маъноси ва сўз қўллашдаги хилма-хилликнинг сабабларидан бири ҳозирги кунда қўл билан тўқиладиган патли гилам Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг айрим туманларида гилам деганда патсиз, тақир гилам тушунилади. Масалан, гилам сўзининг Бухоро ва Ёғдудонда гилем, Китобда гилам, Шаҳрисабзда килам//гилем, Косонда гилем сингари фонетик вариантлари бор бўлиб, булар тақир гилам маъносини билдиради. Шеваларда гилам термини ўзининг ҳақиқий маъноси - асли форс тилидаги маъносини сақлаган. Сўзнинг семантик структураси ва шаклига оид бундай хилма-хилликлар, қадимий луғатлар ва ёзма ёдгорликларда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ида гилам, палос сўзлари маъноларида бутунлай бошқача сўзлар *язим, кйвйз, кубзун* каби берилади: *жазим* – *гилам* – ковер¹, *кизиз* – кигиз, *намат*, *кивиз* – уйга, ерга солинадиган кенг ва энли палос², *кувуз* - юнгдан тўқилган, ерга солинадиган ҳар қандай палос, гилам, шолча, *намат*³, *кубсун* - тўшак, гилам⁴ каби берилади.

Қашқадарёнинг -жловчи шеваларида, жумладан, Чироқчи туманида ҳам “патли гилам” маъносида қозоқ тилидаги сингари “тукли гилам” бирикмаси қўлланади.

Гиламчиликда ишлаб чиқариладиган предметлар орасида номи тез-тез тилга олинadиган буюмлардан яна бири *палос*дир. Палос сўзининг қадимги луғатлар, ёзма ёдгорликлардаги “жундан тўқилган кўхлик материал” ёки “паст кийим” маъноси, “арзон кийим” маъноси ҳозирги ўзбек шевалари ва ўзбек адабий тилида йўқолиб кетган.

“Ўзбек халқ шевалари луғати” ва Хоразм шеваларига оид асарларда *палос* фақат *шолча* деб изоҳланади. Аммо Хива гилам тўқувчилари жун ва пахта толасидан тўқилadиган *гуллик, тақир гилам*, яъни *арабини* ҳам “палос” деб номлайдилар.

Шеваларда палоснинг тўқилишига кўра номладиган *терма гилам, қоқма гилам, ғожари гилам, беш кашта* сингари турлари мавжуд. Терма гилам – нақши ўриш ипларини санаб, териб туриб арқоқ ўтказиш орқали тушириладиган шолча. Бундай шолча жун ва пахта толаси аралаштириб тўқилади. *Қоқма гилам* - нақши жуда содда, ўриш иплари саналмай, арқоқ ўтказила берадиган, қилич билан

¹ Кошғарий Маҳмуд.

² Кошғарий Маҳмуд.

³ Кошғарий Маҳмуд.

⁴ Кошғарий Маҳмуд.



қоқиб-қоқиб тўқиладиган йўл-йўл шолча. *Ғожари* шолчанинг йўллариға майда нақшлар солиниб тўқиладиган бир тури. Ғожари номи қоқма, терма каби тўқиш техникасига кўра пайдо бўлган номға у қадар ўхшамайди. Чунки унинг маъноси қоқма, терма сўзларининг маъноси каби англашилмайди. *Беш кашта* - йўлиға жун толасидан нақш тикилиб, тўқиладиган шолча. Палоснинг *ғожари* ва *бешкашта* турлари туркманларда ҳам тўқилади. Туркман тилида *кожари* ва *беш кешде* деб юритилади.

References:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат-ит турк. 1-3- томлар. – Тошкент: Фан – 1960-1963.
2. Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент: Фан, 1971.
3. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2011.